



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776(E) | SJIF 2023: 6.907

Турдиев Намозбек  
Бахритдин ўғли

*Жиззах давлат педагогика университети педагогика-психология  
ва мусиқа йўналишларида масофавий таълим кафедраси ўқитувчиси.  
namozbek1992@mail.ru*

## ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ИННОВАЦИОН КЛАСТЕРИ ДОИРАСИДА ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ

**Аннотация.** Бугунги кунда таълимнинг мақсад ва мазмунини англаган ҳолда, янги методлари, ахборот воситалари ҳамда таълимда фанлар интеграциясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақолада таълим жараёнини янада ривожланиши, ислохотларнинг замонавий босқичлари, жамиятнинг ижтимоий гуруҳларига бўлган муносабатини англаб етиш орқали педагогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш, мазкур жараёнларни мақсадли лойиҳалаштириш масалалари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар.** Таълим, тарбия, кластер, амалиёт, сифат, самара, субъект, объект, хизмат, билим, ахлоқ.

**Аннотация.** Сегодня особое внимание уделяется обеспечению интеграции новых методов, информационных средств и предметов в образование, реализации цели и содержания образования. В статье освещаются вопросы дальнейшего развития образовательного процесса, современных этапов реформ, обеспечения эффективности педагогических процессов путем понимания отношения общества к социальным группам, целенаправленного проектирования этих процессов.

**Ключевые слова.** Образование, обучение, кластер, практика, качество, эффект, предмет, объект, услуга, знание, этика.



**Abstract.** Today, special attention is paid to ensuring the integration of new methods, information tools and subjects into education, the implementation of the goals and content of education. The article covers issues of further development of the educational process, modern stages of reforms, ensuring the effectiveness of pedagogical processes by understanding society's attitude towards social groups, and purposeful design of these processes.

**Keywords.** Education, training, cluster, practice, quality, effect, subject, object, service, knowledge, ethics.

**Кириш.** Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар бошланғич синф ўқитувчиларининг методик компетентлигига қўйиладиган умумий талабларни классификациялашни талаб этади, бу халқаро баҳолаш дастурларига (PIRLS) интеграциялашган ҳолда тадқиқотчилик кўникмаларини баҳолаш мезонларини жорий этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “профессионал корпусини яратиш, педагог ходимларнинг малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалладиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш” каби устувор вазифалар белгиланган [1]. Мазкур вазифалар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш жараёнини илғор халқаро тажриба ва жамиятнинг замонавий талабларига мувофиқ такомиллаштиришни тақозо қилади.

**Мавзуга оид адабиётлар рўйхати.** Мамлакатимизда умумий ўрта таълим тизими педагог кадрларини сифат жиҳатдан жаҳон стандартлари асосида тайёрлаш бўйича тадқиқотлар Ш.Қурбонов, Ҳ.Ҳамраева, А.Абдуманнопов, А.Кошелева, О.Давлатов, У.Қорабоев ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Таълимнинг мақсад ва мазмунини англаган ҳолда, янги методлари, ахборот воситалари ҳамда таълимда фанлар интеграциясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия бериш жараёни – бу аввало мавжуд методлар, ахборотларни янгилаб бориш, таълим ва таълим субъектлари интеграциясининг мазмундорлигини ошириш ва ташкилий жараёнини тўғри ташкил қилишдан иборат бўлади. Бундай боғлиқликнинг мавжудлиги таълим жараёнини янада ривожланиши, ислохотларнинг замонавий босқичлари, жамиятнинг ижтимоий гуруҳларига бўлган муносабатини англаб етиш каби масалаларни кўриб чиқиш орқали баҳоланади. Таълим педогогик жараёнларнинг самарадорлигини таъминлаш, мазкур жараёнларни мақсадли лойиҳалаштириш кераклигини белгилаб беради [4]. Бунда асосий эътибор таълим-тарбия жараёнининг ташкилотчиси бўлган педогогларга қаратилади [5].



Педагогик таълим инновацион кластери доирасида талабларга имкониятлар яратилиши замонавий педогог тадбиркор, тарбиячи, маънавий-мафкуравий ишларни ижобий фаол қатнашчиси, ўқитаётган фанининг чуқур билимдони, фани бўйича илмийликни ёш авлодга санъаткорона ўргатадиган шахс бўлиши лозим. Шунини таъкидлаш керакки, илмий манбаларда турлича фойдаланиладиган атамалар: “педагогик таълим кластери муҳити”, “ахборот-коммуникация таълим муҳити”, “ахборот ва таълим муҳити”, “электрон ахборот-таълим муҳити” кабилар охириги меъёрий ҳужжатларда жуда кўп қўлланилмоқда.

**Тадқиқотлар методологияси.** Педагогик таълим кластери давлат, жамият талабидаги касбий компетенцияга эга бўлган мутахассисларни узлуксиз тайёрлашнинг ажралмас тизими бўлиб, маъно ва мазмун жиҳатдан замонавий инновацион таълим истиқболини белгилаб берувчи омиллардандир. Педагогик таълим инновацион кластери таърифи тадқиқотчи М.Тошпўлатов томонидан “Кластер - инглиз тилидаги «cluster» сўзидан олинган бўлиб, таржимада гуруҳ, тўп, тўплам, боғ, шода каби маъноларни англатади. Мазкур атама компьютер муҳандислигида, мусиқа, таълим, астрономия, иқтисодиёт каби соҳаларда қўлланилади ва вазифаси жиҳатидан бир-бирига боғлиқ ва бир «маржон»дек тизилган объектларга нисбатан қўлланилади”, дея таърифланган [8].

Педагогикада «кластер (cluster)» - «тармоқлар методи технологияси» методида мантикий фикрлаш доирасини кенгайтириш, мустақил равишда адабиётлардан фойдаланиш, бирон-бир мавзунини чуқур ўрганишдан олдин ўқувчиларнинг фикрлаш фаолиятини жадаллаштиришга хизмат қиладиган усул маъносида қўлланилади [6]. Профессор Ғ.И.Муҳамедовнинг фикрича, «...таълим тизимида мавжуд камчиликларни ўрганиш ва уларнинг таҳлили асосида педагогик таълим йўналишларини мувофиқлаштириш, истиқболни режалаштириш, таълим босқичлари ўртасидаги алоқа ва интеграция, таълим субъектлари фаолиятидаги тарқоқликни бартараф этиш орқали худудда педагог кадрларга бўлган эҳтиёжнинг қондириш асосида таълим сифатини оширишга йўналтирилган бўлиши зарур [7].

Кластер тушунчасининг жамият барқарор ривожланишидаги муҳим ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда педагогик таълимнинг замонавий талаблари, тизимдаги муаммолар ҳамда уларни ҳал қилишда фан, ишлаб чиқариш ва таълим бўғинлари ўртасидаги баъзи ноинтеграцион муносабатлар бугунги кунда узлуксиз педагогик таълимни кластер ривожланиш моделига ўтказиш зарурат эканлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623 сонли қарорида: “..замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар



тайёрлаш; юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириши” кўрсатиб ўтилган [3].

**Таҳлил ва натижалар.** Педагогик таълим инновацион кластерининг моҳияти, таълим муассасаларининг ҳамкорлик муносабатларини мувофиқлаштириш, манфаатлар тўқнашуви шароитида мавжуд камчиликларни бартараф этувчи “методик муҳит”ни яратиш, яъни томонларнинг билим олиш ёки таълим бериш жараёнида ҳамда касбий фаолияти давомида асқотадиган зарурий интегратив методикаларни ишлаб чиқиш, уларнинг кундалик педагогик фаолиятида қўллаш имконияти билан белгиланади [9].

Мазкур вазифаларга “Мактаб-лаборатория”ларни ташкил этиш, бўлажак мутахассисларни болаларга тезкор ҳамда индивидуал кўмаклашишига шароит яратувчи илмий салоҳият ва бой тажриба кластерига жамлаш яхши самара беради. Яъни, умумтаълим мактаблари ва олий таълим ҳамкорлигида амалга оширилган, мавжуд муаммоларни диагностика қилиш, уларнинг ижро механизмларига йўналтириш ҳамда Давлат ёки ижтимоий талабларга мос компетентлик талаблари уйғунлигини таъминловчи инновацион кластер муҳитидаги алоқадорликнинг манфаатли йўлга қўйилганлиги бўлажак ўқитувчиларнинг касбий амалиётини шакллантириш самарадорлигини таъминлайди (1-расм).

Хусусан, талабаларнинг педагогик амалиётини мақсадли ташкил этиш ва ишга жойлашишига ҳар томонлама кўмаклашиш механизмларини шакллантириш, юқори курс талабаларининг мактабгача таълим ташкилотлари ёки умумтаълим мактабларидаги амалиёт даврида таълим кластери доирасида кичик бўлсада муаммо ва унинг ечими юзасидан тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилиши ҳам кластернинг муайян бўғини ҳисобланади.



Педагогик таълим инновацион кластерининг функционал блокини мактабгача ва олий таълим босқичлари мисолида қараганда, мазкур блокнинг асосий моҳияти таълим муассасалари учун манфаатли кесишиш нуқтасини аниқлашни назарда тутди [11]. Айнан шу нуқтадаги ижобий-ижодий-педагогик тадқиқот натижаларининг уйғунлашиши таълим кластери ижросининг сифатини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, билим олиш ва жамиятга оптимал мослашиш учун ўқувчининг ақл-идроки ҳамда ҳис туйғуларидан ташқари, дунёни билишга, ўрганишга қаратилган бўлади. Чунки, ўқувчининг дунёни ўзлаштириши биринчи навбатда уни ўрганиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилинишига боғлиқ [10]. Билим олишнинг мақсади ва вазифаси турли ҳодисаларни ўрганиш йўли билан уларнинг чуқур турғунлигини белгиловчи томонлари ҳамда қирраларини, уларнинг моҳиятини очиб, ҳақиқатни англаб олишдан иборат.

Замонавий илм-фан ва амалиётда турли илмий соҳаларнинг яратилиши, уларда мактаб фаолиятини самарали ташкил этишнинг мақсадли шаклланиши зарурлиги муҳим ўринни эгаллайди. Бу борада замонавий мактабларнинг ташкил этилиши фикримизни яққол исботи бўлади. Замонавий мактабларни ташкил этишда мактаб ривожланишининг тенденциясини ўрганиш ва мактаб ҳаётининг ўзгариши, муайян ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида тузиладиган таркибдаги инновациялар таъсири остида юзага келиши мумкин.



Инновациялар ҳар қандай касбий инсон фаолиятига хосдир ва шунинг учун табиий равишда ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалга ошириш объектига айланади. Инновациялар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, улар илмий изланишлар, алоҳида ўқитувчилар ва бутун жамоаларнинг илғор педагогик тажрибаси натижасидир. Педагогик инновация – ўқитувчи фаолиятидаги янгилик, ўқитиш ва тарбия мазмуни ва технологиясини ўзгартириш, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган.

Мактаб таълим тизими ривожланишида етакчи тенденция таълим сиёсатининг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган интеграцион аҳамиятга эга бўлган тенденциялардир. Таълим муассасасида интеграция жараёнлари ўқув жараёнини мазмунланиши ва ташкил этилиши учун мактаб стандартларини қабул қилиш билан таъминланади. Мени назаримда интеграция нафақат фанлар бўйича билимларнинг ўзаро боғлиқлиги нуқтаи назаридан, балки ўқитиш технологиялари, усуллари ва шакллариининг интеграцияси сифатида ҳам кўриб чиқилиши керак. Мактаб ўқувчилари биргаликдаги фаолиятининг мазмунини белгилаш, мактаб ташкилотини бирлаштириш учун асос яратиш, мактаб тузилмасини шакллантиришнинг умумий ёндашувларини ишлаб чиқиш, таълим муассасасининг қиймат устунлигини аниқлаш каби стандартлардан иборат.

Мактаб ҳаётининг демократик усули - бу давлат сиёсати ва фуқаролик жамияти шаклланишининг шартидир. Мактаб ҳаётини демократлаштириш мактабни ижтимоий ҳаётга жалб қилишни назарда тутди. Бу вазифа мактаб бошқарувини демократиялаш, таълим муассасасининг эркин бошқарувини кенгайтириш, таълим соҳасидаги барча аъзоларнинг ҳамкорлик шартлари, биргаликдаги ҳаракатлар учун индикатив асосни ташкил этиш шартлари, шунингдек, ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини баҳолаш каби шарт-шароитларни биргаликда амалга ошириш учун рағбатлантирувчи шарт-шароитларни яратиш орқали ҳал этилади. Мактаб фаолиятини демократлаштиришнинг яна бир шarti - янги ўқув стандартларига ўтиш бўйича ваколатларга асосланган ёндашувни ва таълимни худудийлаштириш тамойилини, яъни кичик Ватан ҳисси шаклланишини назарда тутувчи ўз-ўзини ташкил этиш тамойилини амалга оширишдир.

Мактаб фаолиятининг ривожланишидаги етакчи тенденцияларни жорий этиш мактабнинг турмуш тарзи таркибида мавжуд бўлган янгиликларнинг таъсири остида ва давлат муассасалари ҳамда ташкилотлари тизими орқали амалга оширилади. Мактаб фаолиятини ижтимоий ҳодиса сифатида ҳисобга оладиган бўлсак, у мотивацион, моддий-технологик, ресурс-экологик ва самарали йўналишлар асосида ривожлантирилади.



**Хулоса ва тавсиялар.** Шундай қилиб, мактабларнинг асосий ғоялари янги ёндашувларга асосланган жамият ва таълимни ривожлантириш парадигмасининг интеграцион технологик занжирини мустаҳкамлаш лозимлигини кўрсатади. Шу туфайли, инсон ҳаётининг қадриятларини, инсон ҳаётининг кадр-қимматини тан олишга асосланган мактаб фаолияти инновацион йўллар билан яратилган ғояларнинг ривожланишига имкон яратади.

Таълим-тарбия жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш келгуси тараққиётимизнинг асоси эканлиги маълум. Шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматлар истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи саналади. Шахс сифатида билимли, маънавий-ахлоқий етук, жисмонан бақувват, ўз ватани ва халқига содиқ, миллий ғояни ўз онгига сингдирган, ҳар томонлама камол топган ёшларни вояга етказиш ҳозирги кунда долзарб ва давлат аҳамиятига эга бўлган вазифадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. 2019 йил 29 апрель. ПФ-5712-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори. Халқ таълими тизимида таълим сифатини баҳолаш соҳасидаги халқаро тадқиқотларни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. 2018 йил 8 декабрь. 997-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4623 сонли қарори. 2020 йил 27 феврал. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 28.02.2020 й., 07/20/4623/0220-сон, 13.06.2020 й., 07/20/4749/0758-сон.
4. Абросимов, А. Г. Развитие информационно-образовательной среды высшего учебного заведения на основе информационных и телекоммуникационных технологий. – М. 2005.
5. А.Авлоний. Туркий Гулистон-ёхуд ахлоқ.-Т.: Шарқ. 1996 й.
6. Махмудов Қ.Ш., Санакулов З.И., Шайхисламов Н.З. Педагогик таълимда «кластер». // "Science and Education" Scientific Journal. October 2020 / Volume 1 Issue 7. - P. 587-593.
7. Муҳамедов Ғ. И. Педагогик таълим инновацион кластери: эҳтиёж, зарурат, натижа. // Халқ сўзи, жамият, 15 февраль 2019 й.
8. Тошпўлатов М. Кластер: моҳият, самара ва истиқбол. - <http://www.biznes-daily.uz/ru/mening-mulkim/53616-klastr-mohiyat-samara-vaistiqbol>



9. Усаров Ж.Э., Мухамедов Ғ.И. Узлуксиз педагогик таълим кластери шароитида компетентлик талаблари ва таълим самарадорлиги имкониятлари // Узлуксиз таълим, Махсус сон, 2020.

10. Худойкулов Х.Ж. Педагогика, Психология. –Т.: Дзайин-Прес.2011 й.

11. Шарипова Г.Н. Педагогик таълим кластери шароитида талабаларда ўзини ўзи ривожлантириш компетенциясини шакллантириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. - Чирчиқ, 2021.